

Норқобилов Н.Н.
Термиз давлат Университети
“Иқтисодиёт назарияси”
кафедраси катта ўқитувчиси

Таълим тизими니 бюджетдан ташқари молиялаштириш ва кадрлар тайёрлашда маркетингнинг ўрни

Норқобилов Н.Н Таълим тизимини бюджетдан ташқари молиялаштириш ва кадрлар тайёрлашда маркетингнинг ўрни.

Мақола таълим тизимини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағларининг аҳамияти, жамият талабига мувофиқ кадрлар тайёрлаш ва нобюджет маблағларини шакллантиришда маркетинг ўрни ва йўналишлари кўриб чиқилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: Таълимни молиялаштириш, бюджетдан ташқари маблағлар, кўп каналли, маркетинг тадқиқотлари, талабга мувофиқ кадрлар тайёрлаш.

Норқобилов Н.Н. Финансирования системы образования с внебюджетными средствами, роль маркетинга при подготовке высококвалифицированных кадров. В статье изучены финансирования системы образования с внебюджетными средствами, роль маркетинга при подготовке высококвалифицированных кадров.

Ключевые слова и понятия: Финансирования науки, внебюджетные средства, многопрофильная, маркетинговые исследования, подготовка кадров по требованию.

Norqobilov N.N.Financing educational system out of budget means and the role of marketing in personnel training.

The article deals with the importance of financing educational system out of budget and the role and directions in having out of budget means and training personnel according to society needs.

Key words and notions: Financing education, out of budget means, multichannel, marketing researches, training personnel that meets needs.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида, таълим тизими ўзининг фаолият нуқтаи назаридан икки муҳим вазифани бажаради: биринчидан, инсон шахсини тараққий эттиради, такомиллаштиради, уни маънавий, аҳлоқий бадиий жиҳатдан ривожлантиради, маънавий комил, ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишига ёрдам беради. Иккинчидан, иқтисодий вазифани бажариб, малакали иш кучини тақорор ишлаб чиқаради. Жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг бош элементи бўлган ишчи кучига, бевосита ва фаол таъсир кўрсатади, уларнинг табиатини ўзгартиради ва яхшилайди. Шунинг учун ҳам таълим тизимиға маблағ сарфлаш инсон капиталини инвестициялаш ҳисобланиб, энг самарали ва кафолатланган жозибадорлиги юқори бўлган инвестицион сарфдир.

Ушбуни ҳисобга олган ҳолда таълимни молиялаштириш умум жамият маънфаати нуқтаи назаридан қаралади. Таълим тизимини молиялаштиришнинг асосий мақсади давлат бюджети, бюджетдан ташқари фонdlар ва бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча молиявий маблағлар излаб топиш бўлсада, кўп ҳолларда давлат бюджетига нисбатан оғир юқ ҳамон сақланмоқда. Бу эса таълим тизимини мустаҳкамлашдаги мавжуд имкониятлардан тўлиғича фойдаланилмаётганликни англатиб, бюджетдан ташқари молиялаштириш тизимини бошқаришда маркетингнинг аҳамиятини оширишни ва маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишни йўлга қўйишни тақоза этади.

Маркетинг- бозор фаолияти фалсафаси ва шу билан бир вақт ҳаракат учун дастуриламал. Маркетинг иши бозорни ўрганиш, нархларни шакллантириш, бозор талабига монанд равишда товарларни ишлаб чиқариш, уларни вақтида бозорга етказиш, реклама ўтказиш ва харидорларга хизмат кўрсатишни ўз ичига олади.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиёти томон йўл тутиши ва маркетинг самараси боис таълим тизимини бюджетдан ташқари молиялаштиришнинг янги-янги манбалари ўзлаштирилмоқда. Бу тўғрида Республикализ қонунчилигига ҳам ўз аксини топган ва таълим тизимини бюджетдан ташқари молиялаштиришнинг ташкилий ҳуқуқий асослари яратилган. Таълим тўғрисидаги қонуннинг 31-моддасида таъкидланадики, "Давлат таълим муассасаларини молиялаш республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади".¹

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълимни ва кадрлар тайёрлашни молиялаш тизими такомиллаштирилади, унинг кўп вариантили (бюджетдан ажратиладиган ва бюджетдан ташқари манбалардан) тизими жорий этилади, таълим муассасаларининг ўзини-ўзи пул билан таъминлаш ривожлантирилади, хусусий ҳамда чет эл инвестицияларини таълим соҳасига жалб этиш рағбатлантирилади. Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш

¹ Олий таълим меъёрий ҳужжатлар тўплами. Тошкент "Истиқлол" нашриёти 2004 й.

тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда донорлар ва ҳомийларнинг мавқейи кучайиб боради.

Шунингдек, пуллик таълим хизматлари кўрсатиш, тадбиркорлик, маслаҳат, эксперт, ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий ҳамда уставда белгилаб қўйилган вазифаларга мувофиқ бошқа тарздаги фаолият ҳисобидан таълим муассасаларининг даромадлари қўпайишининг таъминланиши келтирилган.²

2010 йил 10 ноябрдаги ПҚ-1432-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори ҳамда 2010 йил 10 декабрь, 291-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджетдан ташқари таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари асосида таълимни бюджетдан ташқари молиялаштиришда тубдан ўзгаришлар юз беради ва тўлақонли амал қилишидаги хуқуқий база яратилди.

Кадрлар тайёрлашнинг янги модели, бозор иқтисодиётига ўтиш таълим молиявий-иктисодий тартибларини шакллантиришда, хусусан, бюджетдан молиялаштиришни бюджетдан ташқари маблағлар билан тўлдиришда жиддий ўзгаришлар қилишни талаб қилмоқда. Шу боисдан ҳозирги пайтда молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари қўшимча манбаларини излаб топиш ва жалб қилиш бўйича таълим муассасаларининг фаолияти тобора тижорат тавсифига эга бўлмоқда. Тижорат фаолиятининг асосий мақсади ҳамон таълим муассасасини интеллектуал, таълимий, илмий, маданий ва ишлаб чиқариш имкониятини саклаш ва ривожлантириш мақсадида молиявий барқарорликни таъминлашдан иборат бўлиб қолмоқда. Демак, таълимнинг бошланғич тижорат билан уйғунлашиши самарали шаклларини топиш жиддий вазифа бўлиб қолмоқда.

Таълим муассасаларини молиялаштиришнинг асосий манбалари (давлат ва хусусий манбалар)га қайтиб олий таълим тадқиқотчилари консорциум ва ЮНЕСКОнинг Олий таълим бўйича Европа маркази (СЕПЕС) экспертлари фикирини келтириш ўринлидир. Улар соф давлат ёки мутлоқа хусусий тарзда таълим муассасаларини молиялаштиришдан кўра, аралаш молиялаштириш анча самарали ҳисобланади, деган хуносага келганлар.³

Кейинги пайтларда таълимни ишлаб чиқариш билан уйғунлаштириш, қўп бўғин мутахассислари тайёрлашга ўтиш, таълим турли босқичини молиялаштиришга янгича ёндошув ишлаб чиқилди. Булар мутахассислар тайёрлашни бюджетдан ташқари молиялаштиришнинг умумий йўналишини аниқлаб берди ва у қуйидагилар: касбий тайёргарлик қанчалик юқори бўлса, бунинг учун кўпроқ улушни бюджетдан ташқари молиялаштириш ўз зиммасига олиши керак.

²«Таълим тўғрисида»ги Конун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.Т.: (1997 й 29 август).

³М.Х. Сайдов.Олий таълим тизимида молиявий бошқарув.Т “Тафаккур-бўстони”2011й-Б 32.

Тұғри бугунги кунда кадрлар тайёрлаш ва молиялаш тизими такомиллашиб бормоқда. Унинг күп варианти (бюджетдан ажратиладиган ва бюджетдан ташқари манбалардан) тизими жорий этилиб, амалиётта табора күпроқ тадбиқ этилмоқда. Бироқ бу соҳада юқори натижаларга эришган хорижий мамлакатлар билан солиширганимизда, ҳали айрим камчилик ва муаммолар мавжудлигини кузатиш мумкин. Бозор иқтисодиёти ривожланган күплаб давлатлар юқори тажрибаларга эга бўлиб, таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришда нобюджет маблағлар ҳисобидан кенг фойдаланмоқда ва бюджет маблағларининг тежалишига имкон яратмоқда.

Хусусан, АҚШдаги давлат таълим муассасаларидаги таълимга сарфларнинг факат 20% ини қоплади, холос (хусусий таълим муассасаларида 33%). Қолган сарфлар давлат ва хусусий манбалардан молиялаштирилади. Кўплаб мамлакатларда олий таълимни давлат молиялаштиришини лимитловчи бюджет тақчиллиги йилдан-йилга сақланиб қолмоқда. Шунинг учун таълим муассасаларига молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини излаб топиш ҳуқуқи берилади ва бунда уларга ҳар томонлама ёрдам қўрсатилади.⁴

Мазкур мамлакатларда таълим муассасаларida бюджетдан ташқари молиялаштиришнинг механизми қуидаги шаклларда олиб борилади:

- таълим муассасалари майдонлари ва жиҳозларидан конференциялар ва бошқа оммавий тадбирларда ўтказишда фойдаланиш;
- таълим муассасалари қўрсатадиган хизматлар ёки уларга тегишли ердан фойдаланувчи фирмаларни тузиш;
- таълим муассасаси мутахассисларининг корхоналарга бориб келишувлар асосида маслаҳатлар бериши, маъruzalар ўқиши;
- аҳолига қўшимча таълим хизмати қўрсатиш;
- буюртма асосида илмий-тадқиқот ишларини бажариш ва бошқа шу каби шаклларда бюджетдан ташқари молиялаштириш тадбирларини олиб боришади.

Ушбу тадбирларни қўллашда айниқса, Америка тажрибаси таҳсинга сазовордир. Америка университетларида бюджетдан ташқари пул тушириш билан шуғулланадиган махсус бўлимлар мавжуд бўлиб, улар талабаларнинг шартнома тўлов пулларидан ташқари ҳар хил жамғармалардан ва турли тадбирларни ташкил қилиш орқали, ҳомийларни жалб қилиш, корхоналар билан илмий алоқаларни ўрнатиш, пуллик маъruzalар ташкил қилиш, йирик компанияларга маслаҳатлар бериш, университет тимсоли туширилган дафтар, ручка, кийим, галстук, соябон, сумка ва бошқа бюмларни ўзларида ишлаб чиқариш ва сотиш билан университет эҳтиёжи учун қўшимча пул йиғишиади.

Бу ерда хоҳловчи талабалар ёз ойларида ҳам ўқишни давом эттириши мумкин. Факат ёзги ўқувга алоҳида пул тўлаши керак бўлади, бу тўлов бошқа вақтларга қараганда қимматроқ бўлади. Ота-оналар университетга таклиф қилиниб пуллик тадбирлар ташкил қилиниши мумкин. Ёзда

⁴.М.Х. Сайдов. Олий таълим тизимида молиявий бошқарув.Т “Тафаккур-бўстони”2011й-Б 29.

университетлар мактаб ёшидаги болалар учун маҳсус оромгоҳлар ташкил қилиш билан ҳам пул топадилар.⁵ Тушган маблағлар таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, ўқитувчиларни моддий рағбатлантиришга ва ўқув жараёнини такомиллаштиришга сарфланади.

Мамлакатимиз таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш бошқарув ходимларининг маркетинг амалларидан беҳабарлиги ёки етарлича тадбиркорлик маданиятига эга эмаслиги, таваккалчиликка тик бора олмаслиги, айрим раҳбарларнинг эскича қарашлар билан бошқараётганлиги, кредит маблағларидан фойдалана олмаслиги, бюджет маблағларига суюниб қолганлиги ва ортиқча ташвишларга хоҳиш йўқлиги сабаб бўлмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, бюджетдан ташқари молиялаштириш механизмини такомиллаштириш ва ушбу соҳада юзага келаётган муаммоларни юмшатишда маркетинг тадқиқотларининг ўрни беҳад мухимдир. Маркетинг тадқиқотлари ёрдамида бюджетдан ташқари молиялаштиришнинг кўп каналли тизими ва йўналишлари аниқланади. Иккинчидан, ортиқча кадрлар тайёрлашга барҳам берилади. Кадрларга бўлган талаб маркетинг тадқиқотлари асосида ўрганилиб, жамият талабига мувофиқ кадрлар тайёрланади. Ўз-ўзидан равшанки, келажакда таълим ривожланишининг ҳар қандай кўринишида таълим олувчиларни жалб қилиш учун таълим муассасалари ўртасидаги қураш кучайиб боради.

Таълим дастурларининг меҳнат бозорига қараб мўлжал олиш даражаси таълим самарадорлиги ва кадрлар тайёрлаш сифатининг асосий кўрсаткичига айланади. Меҳнат бозорига қараб мўлжал олиш маркетинг зиммасига тушади.

Шунингдек, таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёхуд малакасини ошириш тизимини ташкил қилиш ва бошқариш, уларга бўлган бозор талабини ўрганиш ҳам маркетинг хизмати фаолияти билан узвий боғлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таълимни маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиб тизимли ташкил қилиш, бозор талабига таълим муасссаларини мослаштириши натижасида юксак малакали кадрлар етишиб чиқади. Таълим муассасаларининг моддий техника базаси такомиллашади. Бироқ бизнингча, ушбу мақсадга эришишда аввало қуйидаги вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқ бўлади:

- юқори натижаларга эришган хорижий мамлакатларнинг маркетинг хизмати фаолиятидаги тажрибасини ўрганиш ва уларнинг энг маъқбулларини амалиётга тадбиқ этиш лозим;
- таълим муассасаларида маркетинг хизмати фаолиятини кенгайтириш ва вазифаларини аниқлаштириш;
- таълим муассасаларида маркетинг соҳасида ишлаётган ходимларга кўрсатмалар бериш, малакасини ошириш, ва шу каби бошқа уларнинг савиясини оширувчи чора-тадбирларни қўллаш;

⁵ А.Файзуллаев Инсон, сиёsat, бошқарув.-Т.: “Ўзбекистон”, 1995. – Б 152.

- маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиб, таълим тизимда давлат ва жамият бошқарувини уйғунлаштириш;
- техникавий-иктисодий күрсаткичлар ва бозор конъюнктураси билан боғланган ҳолда кадрларга бўлган талабни моделлаштириш.

Хуоса қилиб айтганда таълимни маркетинг тизимларидан фойдаланиб ташкил қилиш, таълим муасасаларининг бозор талабига мослашиши таълим самарадорлигининг ошишига, бюджетдан ташқари маблағлар манбайнинг кўпайишига ва бюджет маблағларининг тежалишига, таълим муассасалари моддий техника базасиининг мустаҳкамланишига, бозор талабига мос юксак малакали кадрлар етишиб чиқишига замин яратилади.

Адабиётлар

- 1.Олий таълим меъёрий ҳужжатлар тўплами. Тошкент “Истиқбол” нашриёти 2004 й.
2. Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Тошкент: (1997 й 29 август).
- 3.М.Х.Саидов. Олий таълим тизимида молиявий бошқарув.Тошкент: Тафаккур бўстони 2011 й.
4. А.Файзуллаев Инсон, сиёsat, бошқарув.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995 й.